



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ МАҲАЛЛИЙ ЭКСПОРТ ҚИЛУВЧИ КОРХОНАЛАРНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ маҳаллий экспорт қилувчи корхоналарни ва фермер ҳўжаликлари фаолиятини, уларнинг ташқи бозорларда рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва экспорт қилишнинг иқтисодий рағбатлантириш, шунингдек, валюта бозорини янада либераллаштириш мақсадиди:

1. 2017 йилнинг 1 августидан шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ экспорт қилувчи ҳўжалик субъектларига маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) экспорт қилишдан валюта тушумларининг 25 фоизини мажбурий сотиш бўйича талаб бекор қилинади.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки:
2017 йилнинг 1 августидан бўлган муддатда республикамизда маҳаллий тижорат банклари ва экспорт қилувчи ҳўжалик юритувчи субъектлар, жумладан, фермер ҳўжаликлари ўртасида ушбу қарор билан ўрнатилган тартибни амалга ошириш механизми бўйича кенг тушултириш ишлари олиб борсин;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

3. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир А.Н.Арипов ва Марказий банк раиси М.Б.Нурмуратов зиммасига юқласин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2017 йил 28 июль

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ВА СОҲАНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРИШ ТЎҒРИСИДА

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда жамият ҳаётининг маънавий-маърифий асосларини мустаҳкамлаш, миллий истиқлол ғоясининг асосий тушунча ва тамойилларини ҳаётга жорий этиш, юрдошларимиз, айниқса, ёш авлод қалбига Ватанимиз тақдирини ва келажиги учун дахлдорлик ва масъулият ҳиссини ошириш, ёт ғояларга қарши мафқуравий иммунитетни кучайтиришга йўналтирилган тарғибот тизими шаклланди. Бу жараёнда Республика Маънавий тарғибот маркази, унинг жойлардаги тузилмалари ҳамда Миллий ғоя ва мафқура илмий-амалий маркази томонидан мўайян ишлар амалга оширилганини қайд этиш лозим.

Бугунги кунда дунёда глобаллашув жараёнлари кучайиб, тинчлик ва барқарорликка қарши янги таҳдид ва хатарлар тобора кўпайиб бормоқда. Бундай мураккаб ва таҳликали вазият соҳада амалга оширилган ишларни танқидий баҳолаб, унинг фаолиятини замон талаблари асосида такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Хусусан, оила, маҳалла ва таълим муассасаларида ёшлар тарбияси, чечка ҳудудлар ва маҳаллаларда уюлмаган ёшлар билан мақсадли ғоявий-тарбиявий ишларнинг юзаки тарзда олиб борилаётгани, жиноятчилик, диний экстремизм ва террористик ҳаракатларга адашиб қўшилиб қолиш, миллий қадриятларга эътиборсизлик, эрта турмуш қуриш, оилавий ажралишлар каби салбий ҳолатларнинг олдини олишга қаратилган тарғибот ишларининг аксарият ҳолларда қутилган натижа бериётгани бу масалаларга жиддий эътиборни талаб этмоқда.

Мамлакатимизда қабул қилинган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида энг аввало, давлат бошқаруви органларининг қўйи бўғинлари фаолиятини тубдан яхшилаш, уларнинг халқ билан мулоқот қилишнинг таъминлаш, бу борада самарали ижтимоий ҳамкорлик механизминини мустаҳкамлаш устувор вазифа сифатида белгилаб қўйилган.

Ана шу мақсад ва вазифаларни қамраб олиб чиққан ҳолда, маънавий-маърифий тарғибот ишларининг мазмун-мундарижасини тубдан яхшилаш, уларнинг қўлами ва миқёсини кенгайтириш, тизимда фаолият кўрсатётган соҳа ҳодимларининг билим ва малакасини изчил ошириб бориш, туман (шаҳар) даражасидаги ҳодимлар меҳнатига ҳақ тўлашнинг барқарор тизимини йўлга қўйиш, соҳада фаолият олиб бораётган муассаса ва ташкилотлар ишини мувофиқлаштириш ва уларнинг самарасини ошириш мақсадиди:

► Давоми 3-бетда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Бугунги кунда Тошкент вилояти халқ таълими тизимида 1348 та таълим муассасаси, жумладан, 406 та мактабгача таълим муассасаси, 871 та умумий ўрта таълим мактаби, 2 та Меҳрибонлик уйи, 31 та болалар мусика ва санъат мактаби, 19 та «Баркамол авлод» маркази, 19 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаби фаолият кўрсатмоқда. Қабул қилинган давлат дастурлари доирасида мазкур таълим муассасаларининг самарадорлигини ошириш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, вилоятда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш, болаларни мактабга тайёрлаш даражасини тубдан яхшилаш, таълим-тарбия жараёнига замонавий таълим дастурларини татбиқ этиш, ёшларнинг ҳар томонлама интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний қобилиятларини ривожлантириш борасида таълим муассасаларини малакали педагог кадрлар билан таъминлаш йўналишларида қатор долзарб масалалар мавжуд.

Тошкент вилояти мактабгача, мактаб ва мактабдан ташқари таълим муассасаларининг тарбиячилар, бошланғич синф ўқитувчилари, айниқса, аниқ фанлар ва чет тиллари бўйича ўқитувчиларга бўлган эҳтиёжларини қондириш, туманлар ва қишлоқ жойларидаги таълим муассасаларининг юқори малакали педагог кадрлар билан таъминлаш ҳамда халқаро стандартлар даражасига мос олий маълумотли педагог кадрлар тайёрлаш тизимини жойларда ташкил этишни янада такомиллаштириш ва таълим сифатини яхшилаш мақсадиди:

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим, Иқтисодиёт ва Молия

вазирликларининг таклифларига мувофиқ Халқ таълими вазирлиги таркибида Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтини ташкил этилсин.

2. Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтининг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

мактабгача, мактаб ва мактабдан ташқари таълим муассасалари учун юқори малакали ўқитувчиларни талаб даражасида сифатли тайёрлашни таъминлаш;

педагогик таълим соҳасини ривожлантиришнинг илмий-методик вазифаларини ҳал этишга, илгор хорижий педагогик технологияларни жорий этишга йўналтирилган илмий тадқиқотларни олиб бориш ва иқтидорли талаба-ёшларни илмий фаолият билан шуғулланишга кенг жалб этиш;

юртимизнинг педагогика фани бўйича қадимдан ривожланиб келган ютуқлари, хорижий мамлакатлар таълим муассасаларининг тажрибаси ва Тошкент вилояти туманлари таълим муассасалари талаба-эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда тегишли йўналишлар ҳамда мутахассисликлар бўйича ўқув-услубий адабиётларни яратиш;

ўқув ва илмий лойиҳаларни амалга ошириш, таълим ва илмий изланишлар жараёнига мутахассисларни жалб этиш мақсадида педагогика соҳасидаги ётақчи республика ва хорижий олий таълим муассасалари ва илмий марказлари билан ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш;

хорижий олий таълим муассасалари ва илмий марказларига ёш истиқболли битирувчиларни магистратура ва докторантурага мунтазам юбориш орқали Институт илмий-педагогик салоҳиятини ошириб бориш.

3. Қуйидагилар:

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтининг тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтини ташкил этиш, унинг моддий-техник базасини шакллантириш ва илмий-педагогик кадрлар билан таъминлаш чора-тадбирлари дастури 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги зарур ҳолларда Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтининг тузилмасига ҳодимларнинг белгиланган нормативларига мувофиқ ўзгаришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтининг факультет ва кафедралари босқичма-босқич талабалар ва профессор-ўқитувчилар таркибига мувофиқ ўрнатилган тартибда шакллантириб борилинсин.

4. Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтининг 2017/2018 ўқув йили учун қабул қилувчиларни 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикасининг таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси 2017/2018 ўқув йили учун Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтининг талабалари контингентини Тошкент вилоятида доимий яшайётган Тошкент давлат педагогика университети ва бошқа турдош олий таълим муассасаларига ҳужжат топшириб, мазкур таълим муассасаларига белгиланган тўлов-контракт квоталари доирасида ўқишга қабул қилинмаган мос ва турдош таълим йўналишлари абитурientлари ҳисобидан, Тошкент вилояти туманлари таълим муассасалари эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда шакллантирсин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДА САНОАТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ СОҲАСИ УЧУН МУҲАНДИС-ТЕХНИК КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

1. Ислон Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети Олмалик филиали (кейинги ўринларда — Филиал деб аталади) ташкил этилсин.

2. Филиалнинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

Тошкент вилоятида санаят ишлаб чиқариш соҳаси учун юқори малакали муҳандис-техник кадрлар тайёрлаш;

фундаментал ва амалий тадқиқотлар соҳасидаги халқаро ютуқларни ўрганиш асосида фойдали қазилмаларни қазиб олиш ва қайта ишлаш соҳасидаги маҳаллий илмий ва интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш;

фойдали қазилмаларни қазиб олиш ва қайта ишлаш бўйича янги илгор технологияларни ишлаб чиқиш, уларни республиканинг геологик ва иқлим шароитидан келиб чиққан ҳолда амалиётга татбиқ қилиш;

тоғ-кон ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш соҳасидаги мутахассислар малакасини ошириш, уларни энг замонавий халқаро фан ва технологиялар ютуқлари асосида қайта тайёрлаш;

энг илгор хорижий олий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот марказлари билан кенг ҳамкорлигини амалга ошириш.

3. Ислон Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети Олмалик филиалининг таркибий тузилмаси 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, зарур ҳолларда,

Ислон Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети Олмалик филиалининг тасдиқланган таркибий тузилмасига ҳодимларнинг тасдиқланган умумий чекланган сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида ўзгаришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

Филиал Ислон Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетининг юридик шахс мақомидаги таркибий тузилмаси ҳисоблансин, қундузги, махсус сиртки ва кечки таълим шаклида кадрлар тайёрлашни амалга оширад.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги 2017 йил 1 сентябрда:

Филиал Устави ишлаб чиқилиши ва тасдиқланишини ҳамда унинг давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин;

Филиални танлов асосида юқори малакали профессор-ўқитувчилар билан, шу жумладан, фаолияти тугатилган Навоий давлат қончилар институтининг Олмалик факультети профессор-ўқитувчилари ҳисобидан таъминлаш чораларини кўрсин;

Филиалда ўқув-методик жараённинг ташкил этилишини таъминлаш, штатлар жадвали ва харажатлар сметасини тасдиқлаш, уни ўқув адабиётлари, замонавий ўқув лаборатория жиҳозлари ва компьютер техникаси билан таъминлаш бўйича аниқ чора-тадбирларни амалга оширсин.

5. Қуйидагилар Филиал фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтига 2017/2018 ўқув йили учун талабалар ўқишга амалдаги базавий тўлов-контракт миқдори бўйича тасдиқланган квота доирасида қабул қилинсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтига вилоятдаги мактабгача, мактаб ва мактабдан ташқари ва олий таълим муассасалари ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти таълим мазмунини такомиллаштириш бўйича фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгаш ташкил қилинсин. Мувофиқлаштирувчи кенгаш таркиби Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқлансин.

Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

Тошкент вилоятидаги мактабгача, мактаб ва мактабдан ташқари таълим муассасалари учун педагог кадрлар тайёрлаш, шунингдек, педагогик кадрлар ва соҳа мутахассисларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мувофиқлаштириш ва ўқув-методик раҳбарлиқни амалга ошириш;

педагогика соҳасидаги талаб ва илгор хорижий тажриба, ўқув жараёнига замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этишни ҳисобга олган ҳолда, вилоят таълим муассасаларида давлат таълим стандартлари, ўқув режа ва дастурларини тизимли равишда такомиллаштиришни амалга ошириш;

вилоятдаги педагогика соҳасида илмий-услубий ишлар, жумладан, фундаментал, амалий ва инновацион илмий

изланишлар олиб боришни мувофиқлаштириш;

вилоят таълим муассасалари илмий-педагогик салоҳиятини ошириш, жумладан, олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрларни мақсадли тайёрлаш асосида, педагогика соҳасини ривожлантиришнинг стратегик вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, вилоятдаги таълим муассасалари раҳбар ҳодимлари ва мутахассислари малакасини сифатли ошириш ва қайта тайёрлаш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилишини таъминлаш.

6. Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар агентлиги Халқ таълими вазирлигининг таклифига асосланиб Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтини унун таянч олий таълим муассасаларига докторантурага 2018 йил учун мақсадли квоталар ажратсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги 2017 йил 1 сентябрда:

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтини (кейинги ўринларда — Институт) устави тасдиқлаб, ўрнатилган тартибда давлат рўйхатидан ўтказсин;

Институт томонидан тасдиқланган штатлар жадвали ва харажатлар сметасини рўйхатдан ўтказсин;

республика таълим ва илмий муассасаларининг тажрибали ҳодимлари, жумладан, Тошкент давлат педагогика университети ва бошқа таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари таркибидан ўрнатилган тартибда Институтни юқори малакали профессор-ўқитувчилар билан таъминласин;

► Давоми 2-бетда.

вазирлиги, Ислон Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети ва «Олмалик КМК» АЖ томонидан тасдиқланган Махсус комиссия томонидан ўтказилсин;

махсус сиртки ва кечки бўлимларга ўқишга қабул қилинганда ўқини яқунлагандан сўнг кўрсатилган жойда мажбурий равишда беш йилдан кам бўлмаган муддат ишлаб бериш шарт билан тегишли ташкилот, Филиал ва талаба ўртасида уч томонлама шартнома тузилади.

Ўзбекистон Республикасининг таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясига Филиалда таълим олиш учун йўлланма берувчи ташкилот ва корхоналар рўйхати ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳуқуқи берилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги «Олмалик КМК» АЖ, «Ўзбекистон металлургия комбинати» АЖ, «Ўзбекўми» АЖ, Тошкент вилояти ҳокимлиги ва бошқа манфаатдор давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари билан биргаликда ҳар йили юқори малакали кадрларга бўлган эҳтиёжни таҳлил қилиш ва унинг натижаси юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига кейинги ўқув йилларида Филиалда таълим шакллари, йўналишлар ва мутахассисликлар бўйича қабул қилинадиган талабалар сони бўйича таклифлар киритиш юқлатилсин.

► Давоми 2-бетда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
ИНСТИТУТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Институт таълим йўналишлари ўқув режаларига мувофиқ фанларни ўқув адабиётлари ва илмий-методик қўлланмалар билан ҳамда ўқув хоналарини замонавий лаборатория жиҳозлари ва компьютер техникаси билан таъминлаш чораларини кўрсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги 2017/2018 ўқув йилидан бошлаб Институт учун зарур педагог кадрларни жалб қилиш учун соатбай асосида ҳақ тўлаш ва ўқув адабиётлари билан таъминланишини молиялаштиришнинг аниқ чораларини кўрсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент вилояти ҳокимлиги ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Тошкент кимё-технология институтини қўшидаги Чирчиқ академик лицейига тегишли Чирчиқ

шаҳар, Истикбол кўчаси, 2-А-уй ва Чирчиқ ижтимоий-иқтисодий касб-хунар коллежига тегишли Чирчиқ шаҳар, Амир Темур кўчаси, 104-уйда жойлашган бинолари ва иншоотлари ҳудудлари билан Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтига оператив бошқариш ҳуқуқи билан бепул фойдаланишга бериш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Белгилаб қўйилсинки, Тошкент кимё-технология институтини қўшидаги Чирчиқ академик лицейи ва Чирчиқ ижтимоий-иқтисодий касб-хунар коллежининг 2- ва 3-курс ўқувчилари битиргувчларига қадар Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтининг биноларида ижара тўловисиз жойлашади.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Истеъдод» жамғармаси хорижий давлатларнинг нуфузли университетлари ва илмий марказларида 2018 йилдан бошлаб Тошкент

вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтини профессор-ўқитувчиларининг малакасини ошириш ишларини ташкил этсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий вазирлиги ва Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг асосланган ҳисоб-китоблари бўйича Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурининг 2018 йилга ва кейинги йилларга параметрларини шакллантиришда Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтини объектларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан маблағлар ажратилишини назарда тутсин.

12. Белгилаб қўйилсинки, Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика

институтини сақлаш харажатлари 2017 йилда «Маориф» соҳаси бўйича тасдиқланган бюджет параметрлари доирасида, 2018 йилдан бошлаб эса мазкур соҳага ҳар йили ажратиладиган маблағлар доирасида амалга оширилади.

13. Қўйилганлар Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтининг фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

ҳўжалик фаолиятдан ва шартнома асосида хизматлар кўрсатишдан тушадиган тушумлар;

ҳисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари ва мақсадли бадаллари;

халқаро молия ташкилотларининг грантлари;

қонун ҳужжатларида таққиланмаган бошқа манбалар.

14. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Халқ таълими вазирлиги билан биргаликда Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтини электрон таълим миллий тармоғига улаш чораларини кўрсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтига 2 та, шу жумладан, 1 та хизмат, 1 та махсус энгил автотранспорт воситаси саклашга лимит ажратсин.

16. Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтига Тошкент шаҳридан қатнаб ишловчи профессор-ўқитувчи ва ишчи-ходимларга бориш-келиши учун тегишли шартлоллар ташкил этилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Тошкент шаҳри,
2017 йил 27 июль

17. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

18. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А.Н.Юнусходжаев зиммасига юклансин.

Ш.МИРЗИЁЕВ

◀ Давоми. Бошланғич 1-бетда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика
институтини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига
ШАРҲ

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда олий таълим тизимини модернизация қилиш, унга ўқитишнинг замонавий шакл ва технологияларини кенг жорий этиш, олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизими самардорлигини таъминлаш борасида қатор ишлар қилинди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори олий таълим тизимини тубдан такомиллаштириш, мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасидаги устувор вазифаларга мос ҳолда кадрлар тайёрлашнинг маъно-мазмунини тубдан қайта қўриб қилиш, халқаро стандартлар даражасида олий малакали мутахассислар тайёрлаш учун зарур шароитлар яратишда муҳим қадам бўлди.

Шу билан бирга, олий маълумотли мутахассисларни ҳудудлар ва соҳалар бўйича жорий этилаётган дастурларнинг талаб ва

эҳтиёжлари, иқтисодий тармоқлари ва ҳудудларни комплекс тараққий эттириш истиқболларини инобатга олган ҳолда тайёрлаш тақозо этилмоқда.

Бугунги кунда Тошкент вилояти халқ таълими тизимида 1348 та таълим муассасаси, жумладан, 406 та мактабгача таълим муассасаси, 871 та умумий ўрта таълим мактаби, 2 та Меҳрибонлик уйи, 31 та болалар мукаси ва санъат мактаби, 19 та «Баркамол авлод» маркази, 19 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаби фаолият кўрсатмоқда. Қабул қилинган давлат дастурлари доирасида мазкур таълим муассасаларининг самардорлигини ошириш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори вилоятдаги мактабгача, мактаб ва мактабдан ташқари таълим муассасаларининг тарбиячилар, бошланғич синф ўқитувчилари,

айниқса, аниқ фанлар ва чет тиллари бўйича ўқитувчиларга бўлган эҳтиёжларини қондириш, туманлар ва қишлоқ жойларидаги таълим муассасаларини юқори малакали педагог кадрлар билан таъминлашни яхшилаш мақсадида қабул қилинди.

Қарор билан Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтининг асосий вазифалари, тузилмаси ва фаолиятини ташкил этиш, моддий-техник базасини шакллантириш ҳамда илмий-педагогик кадрлар билан таъминлаш чора-тадбирлари дастури тасдиқланди.

Шунингдек, қарорда Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтига 2017/2018 ўқув йили учун 750 та қабул квоталари ажратилиб, Институтга талабалар контингентини Тошкент вилоятида доимий яшаётган Тошкент давлат педагогика университети ва бошқа турдош олий таълим муассасаларига ҳужжат топшириб, мазкур таълим муассасаларига белгиланган тўлов-контракт квоталари доирасида ўқишга қабул қилинмаган ёс

ва турдош таълим йўналишлари абитуриентлари ҳисобидан, Тошкент вилояти туманлари таълим муассасалари эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда шакллантириш белгиланган. Бунда талабаларни ўқитишнинг амалдаги базавий (оширилмаган) тўлов-контракт миқдори асосида тасдиқланган квота доирасида қабул қилиш амалга оширилади.

Мазкур қарор билан Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтига вилоятдаги мактабгача, мактаб ва мактабдан ташқари ва олий таълим муассасаси ҳамда вилоят педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтининг таълим мазмунини такомиллаштириш бўйича фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгаши ташкил қилиш ва унинг асосий вазифалари белгиланмоқда.

Институт учун 2018 йилда таянч олий таълим муассасаларида докторантурага мақсадли квоталар ажратилиш, ўстанини ва штат жадвалларини тасдиқлаш, юқори малакали профессор-ўқитувчилар ва фанларни ўқув

адабиётлари ва илмий-методик қўлланмалар билан ҳамда ўқув хоналарини замонавий лаборатория жиҳозлари ва компьютер техникаси билан таъминлаш, шунингдек, объектларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш юзасидан вазирлик ва идораларга тегишли топшириқлар берилмоқда.

Шунингдек, тегишли вазирлик ва идораларга Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтини электрон таълим миллий тармоғига улаш чораларини кўриш топширилган.

Ушбу қарорнинг қабул қилиниши Тошкент вилояти туманлари ва қишлоқларидаги таълим муассасаларини юқори малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, халқаро стандартлар даражасига мос олий маълумотли педагог кадрлар тайёрлашни жойларда ташкил этиш ва таълим сифатини таъминлаш, шунингдек, ёшларнинг олий таълим билан қамрови даражасини ошириш имкониятини яратишда яна бир муҳим қадам бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДА САНОАТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ СОҲАСИ УЧУН МУҲАНДИС-ТЕХНИК
КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

9. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда Олий таълим муассасалари махсус сиртки (сиртки) ва кечки бўлимлари тўғрисида Низомни ишлаб чиқиб, тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, «Навоий КМК» ДК, «Олмалик КМК» АЖ ва Тошкент вилояти ҳокимлигининг:

Навоий давлат кончилик институтининг Олмалик факультети фаолиятини тугатиш;

факультетнинг 2016/2017 ўқув йили бакалавриати 1-3 курс талабалари ўқишини турдош ва мос йўналишлар бўйича Навоий давлат кончилик институтига ёки янги ташкил қилинаётган Филиалга қўчириш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

11. Белгилансинки, Навоий давлат

кончилик институтининг Олмалик факультети талабалари орасидан ўқишни Ўзбекистон Республикасининг бошқа олий таълим муассасаларида давом эттиришни истаганлар ўқишини қўчириш Ўзбекистон Республикасининг таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси томонидан белгиланган тартиб асосида амалга оширилади.

Филиални сақлаш харажатлари 2017 йилда «Маориф» соҳаси бўйича тасдиқланган бюджет параметрлари доирасида, 2018 йилдан бошлаб эса мазкур соҳага ҳар йили ажратиладиган маблағлар доирасида амалга оширилади.

12. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий вазирлиги ва Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг асосланган ҳисоб-китоблари бўйича Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурининг 2018 йилга ва кейинги йилларга параметрларини шакллантиришда Ислон Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети Олмалик филиали объектларини

реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан маблағлар ажратилишини назарда тутсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

Филиалга иккита, шу жумладан, битта хизмат ва битта навбатчи энгил автотранспорт воситасини сақлашга лимит ажратсин;

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Навоий давлат кончилик институтининг асосланган ҳисоб-китоблари бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2017 йил харажатлар параметрига ушбу қарор асосида тегишли ўзгаришлар киритсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Филиалнинг буорт-номалари бўйича Филиал ўқув жараёнида иштирок этувчи хорижий мутахассисларга давлат божи тўламадан қўп маротабаби кириш визаларини

расмийлаштириш ва узайтириш, шунингдек, профессор-ўқитувчилар таркибини вақтинча рўйхатдан ўтказилишини ва вақтинча рўйхатдан ўтказиш муддати узайтирилишини таъминласин.

15. Филиалга ўқитувчилик ва илмий иш учун шартнома асосида таклиф этиладиган хорижий профессор-ўқитувчиларнинг яшаши ва транспорт харажатлари учун тўловларни Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун белгиланган тарифлар бўйича миллий валютада тўлашга рухсат берилсин.

16. Тошкент вилояти ҳокимлиги ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Олмалик шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчасида жойлашган Навоий давлат кончилик институтини қўшидаги Олмалик академик лицейининг бинолари ва иншоотларини Филиалга оператив бошқариш ҳуқуқи билан бепул фойдаланишга бериш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

17. «Олмалик КМК» АЖга бошқа асосий кадрлар буортмачилари билан биргаликда Филиалнинг моддий-

техник ва лаборатория базасини мустаҳкамлаш, таълим жараёнига чет эллик олимлар, ўқитувчилар ва мутахассисларни жалб этишда қўмаклашиш тавсия этилсин.

18. Россиянинг Федерал давлат автоном олий таълим муассасаси «Миллий технологик тадқиқотлар университети «МИСиС»нинг Олмалик филиалини ташкил этиш бўйича Ташкилий қўмитаси таркиби 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ташкилий қўмита (Ибрагимов Ф.И.) уч ой муддатда амалга оширилган ишлар натижаси асосида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига аниқ таклифлар киритсин.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 июндаги «Ислон Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети Термиз филиали фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПК-

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Тошкент шаҳри,
2017 йил 27 июль

Ш.МИРЗИЁЕВ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошкент вилоятида саноат ишлаб чиқариш соҳаси учун
муҳандис-техник кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига
ШАРҲ

Сўнгги йилларда Тошкент вилоятининг ишлаб чиқариш ва саноат тармоқларида чўқур таркибий ўзгаришлар, уни модернизация ва диверсификация қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди. Ёқилги-энергетика, тоғ-кон, кимё ва бошқа тармоқларда замонавий юқори технологияли ишлаб чиқаришни ташкил этиш, маҳаллий ҳомашё асосида янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқиш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ишлари изчил давом эттирилмоқда.

Шу билан бирга, саноат ишлаб чиқариш тармоқларининг узоқ муддатли ва барқарор ривожланиши, янги ишлаб чиқариш воситаларини амалга таъбиқ қилиш, уларнинг маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини оширишдаги самардорлигини таъминлаш ва юқори оширилган қийматдаги маҳсулотларни экспорт қилиш бўйича қўйилган вазифалар илғор халқаро тажрибалар асосида юқори малакали

муҳандис-техник кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлашни талаб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошкент вилоятида саноат ишлаб чиқариш соҳаси учун муҳандис-техник кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори Тошкент вилоятида саноат ишлаб чиқариш соҳаси учун олий маълумотли юқори малакали муҳандис-техник кадрлар тайёрлаш тизимини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш ҳамда олий техник таълим соҳасида халқаро ҳамкорликни кенгайтиришни назарда тутди.

Қарор асосида Ислон Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетининг Олмалик филиали ташкил этилиб, у Ислон Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетининг таркибий тузилмаси ҳисобланади ва кундузги, махсус сиртки ҳамда кечки таълим шаклида кадрлар тайёрлашни

амалга оширади.

Қарорда 2017/2018 ўқув йили учун Филиалнинг бакалавриат таълим йўналишларига қабул квоталари белгиланган бўлиб, кундузги бўлимига қабул Навоий давлат кончилик институтининг Олмалик факультетига 2017/2018 ўқув йили учун белгиланган квота ҳисобидан амалга оширилади, махсус сиртки ва кечки бўлимларга эса 150 (шу жумладан, махсус сирткига — 75, кечкига — 75) та квота ажратилган.

2017/2018 ўқув йилида Филиалнинг махсус сиртки ва кечки бўлимига мақсадли қабул фақат ўрта махсус, касб-хунар маълумотига ҳамда камида уч йиллик амалий иш стажига эга бўлган, «Олмалик КМК» АЖ, «Навоий КМК» ДК, «Ўзбекистон металлургия комбинати» АЖ, «Ўзбекқўмир» АЖ ва Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг йўланмаси берилган шахслар

қаторидан суҳбат асосида амалга оширилиши белгилаб қўйилган.

Махсус сиртки ва кечки бўлимларга ўқишга қабул қилинганда ўқишни якунлагандан сўнг кўрсатилган жойда мажбурий равишда беш йилдан кам бўлмаган муддат ишлаб бериш шарти билан тегишли ташкилот, Филиал ва талаба ўртасида уч томонлама шартнома тузилиши белгиланган.

Шу билан бирга, Филиалга ўқитувчилик ва илмий иш учун таклиф этиладиган чет эллик профессор-ўқитувчиларнинг яшаши ва транспорт харажатлари учун тўловини Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун белгиланган тарифлар бўйича миллий валютада тўлаш ҳуқуқи берилган.

Филиалга Олмалик шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчасида жойлашган Навоий давлат кончилик институтини қўшидаги Олмалик академик лицейининг бинолари ва иншоотлари оператив

бошқариш ҳуқуқи билан бепул фойдаланишга берилди.

Қарор асосида «Олмалик КМК» АЖга бошқа тегишли ташкилотлар билан биргаликда Филиалнинг моддий-техник ва лаборатория базасини мустаҳкамлаш, таълим жараёнига чет эллик олимлар, ўқитувчилар ва мутахассисларни жалб этишда қўмаклашиш тавсия этилган.

Шунингдек, ушбу қарор билан Россиянинг Федерал давлат автоном олий таълим муассасаси «Миллий технологик тадқиқотлар университети «МИСиС»нинг Олмалик филиалини ташкил этиш бўйича Ташкилий қўмита аъзолари тасдиқланган.

Ушбу қарорнинг қабул қилиниши Тошкент вилоятининг саноат ишлаб чиқариш тармоқ корхоналари учун малакали муҳандис-техник кадрлар тайёрлашни таъминлаш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ВА СОҲАНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРИШ ТЎҒРИСИДА

1. Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг Республика Маънавият тарғибот маркази ҳамда Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий марказини бирлаштириш йўли билан уларнинг негизда Республика Маънавият ва маърифат марказини (кейинги ўринларда — Марказ деб аталади) қайта ташкил этиш ҳақидаги таклифи маъқуллансин.

2. Марказ фаолиятини ташкил этишда қуйидаги асосий вазифаларга алоҳида эътибор қаратилсин:

мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари, давлат дастурларининг мазмун ва моҳиятини аҳолининг кенг қатламлариغا етказишга қаратилган тарғибот ишларини тизимли ва изчил амалга ошириш, бу борада кенг жамоатчилик, олимлар, мутахассислар, ижодкор зиёлилардан иборат «Маърифат» тарғиботчилар жамиятини шакллантириш ҳамда унинг фаолиятини доимий асосда йўлга қўйиш;

дунёда юз бераётган мураккаб геосийосий ва ғоявий-мафкуравий жараёнларнинг мазмун-моҳиятини ҳар томонлама чуқур ёритиб бориш, терроризм, диний экстремизм, ақида-параситик, сепаратизм, одам савдоси, «оммавий маданият», нарқобизнес ва бошқа таҳдидларга қарши самарали ғоявий кураш олиб бориш; жамиятимизнинг барқарор ривожланишига тўққонлик қилаётган ички таҳдидлар — эл-юрт тақдирига лоқайдлик, маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик, оилавий қадриятлар ва ёшлар тарбиясига эътиборсизлик каби ҳолатларга барҳам беришга қаратилган комплекс тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

миллий ғояни юртимизда яшаётган бarcha миллат ва эллар, ижтимоий топча вакиллари ўртасида кенг тарғибот, этиш, бунёдкорлик, руҳини ялпи-ижтимоий ҳаракатга айлантириш, эртанги кунга ишонч туйғуларини кучайтириш;

тарғибот-ташвиқот ишларида аҳолининг ҳудудий, касбий ҳамда ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда мутаносиб, мақсадли ва мазмунли ёндашувни жорий этиш;

маънавий-маърифий тарғибот ишлари самарадорлигининг илмий асосланган мониторингини таъминлашга қаратилган социологик тадқиқотлар ўтказишни мунтазам йўлга қўйиш;

ёшларда соғлом дунёқараш, жумладан, китобхонлик кўникмасини шакллантириш, интернет, ахборот-коммуникация технологияларидан оқилона фойдаланиш маданиятини ошириш, уларда ғоявий ва ахборот хуружларига қарши мафкуравий имунитетни кучайтириш;

маҳаллаларда уюлмаган ёшлар билан ишлаш, ушбу тоифани ижтимоий-иқтисодий фаоллаштиришда жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш;

халқимизнинг тарихий мероси, урф-одатлари ва миллий тарбия аънавларини асраб-авайлаш, кенг аҳоли қатламлари, айниқса, ёшларимиз ўртасида динлараро баргир-кентгир, миллатлараро тотувлик ва ўзаро меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва жорий этиш.

3. Белгилаб қўйилсинки: Ўзбекистон Республикаси Президенти Республика Маънавият ва маърифат кенгашига, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси Раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳамда туманлар (шаҳарлар) ҳокимлари тегишли равишда ҳудудий кенгашларга жамоатчилик асосида раислик қиладилар.

4. Қайта ташкил этилаётган Марказ Республика Маънавият тарғибот маркази ҳамда Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий марказининг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланиши инобатга олинсин.

5. Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг ташкилий тузилмаси, Республика Маънавият ва маърифат марказининг тузилмаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлиmlари ва туман (шаҳар) бўлинмаларининг намунавий тузилмалари 1-4-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

6. Марказ раҳбарига унинг тузилмасига ҳодимларнинг белгиланган умумий сони доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда дастлаб «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил тўғрисида»ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда муҳокама этилди.

Ушбу ҳужжат тадбиркорлик субъектларининг қонуний манфаатларини янада мустаҳкам ҳимоялаш, уларнинг фаолиятига давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг асоссиз аралашувининг олдини олиш, шунингдек, вакил фаолиятининг аниқ механизмларини ишлаб чиқишга қаратилган.

Депутатлар тадбиркорликни янада ривожлантириш орқали янги иш ўринлари яратилишини алоҳида таъкидлашди. Иш берувчилар томонидан ҳодимларга мавжуд норма ва талаблар асосида меҳнат шартлолари яратилиши билан боғлиқ масалаларга ҳам эътибор қаратилди.

— Тадбиркорликнинг давлат даражасида ҳимоя қилиниши кам таъминланган фуқароларнинг манфаатларига ҳам мос келиши лозим, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси Хайрулла Рўзметов. — Фракциямиз қонун лойиҳасига жисмоний имконияти чекланган фуқаролар меҳнат қилишлари учун мўлжалланган иш ўринлари яратган тадбиркорларга вакилнинг алоҳида ёндашувини назарда тутувчи нормаларни киритиш керак, деб ҳисоблайди. Бу меҳнатга лаёқатли жисмоний имконияти чекланган фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини қўллаб-қувватлаш, уларни ишга жойлаштириш, умуман олганда, ҳаётга бўлган қизиқишини оширишда муҳим аҳамият касб этади, деб ўйлаймиз.

Қонун лойиҳасига кўра, вакил тадбиркорлик субъектлари фаолияти устидан назорат олиб бориши, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиши керак. Биз вакилнинг зиммасига юклатилаётган вазифаларни умумлаштириш керак, деб ҳисоблаймиз. Фракциямиз фикрича, вакилнинг асосий иши тадбиркорларнинг муносабатлари билан ишлаш, уларни бевосита Президентга етказиш ва шу орқали тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашдан иборат бўлиши лозим. Ушбу масала ҳақида ҳам чуқур ўйлаб кўриш керак.

«Болалар соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан уларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси



Сенатор ШОТЛУГАНОВ олган сурат.

ҲАР БИР ҚОНУН ЛОЙИҲАСИГА таклифлар берилмоқда

ҳам депутатлар томонидан қизғин муҳокама қилинди. Ушбу қонун лойиҳаси Президентимизнинг жорий йил 14 мартдаги «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган режа асосида ишлаб чиқилган.

Қонун лойиҳасида болаларнинг соғлиғи ва камол топишига зарар етказадиган ахборот бўйича асосий тушунчалар, бундай ахборот турлари аниқлаб берилган. Шунингдек, болалар соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан уларни ҳимоя қилиш соҳасида давлат сиёсатининг асосий йўналишлари белгиланмоқда. Қонун лойиҳасини фракция аъзолари партия дастурий мақсадлари ва электротар манфаатларидан келиб чиқиб, атрофича таҳлил қилди ҳамда қатор таклифлар билдирди.

— Болаларни бузғунчи ахборот таъсириларидан ҳимоя қилиш долзарб масала, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси Саттор Раҳматов. — Қонун лойиҳасида болаларни зарарли ахборотдан ҳимоя қилиш, бу борада қонунчилик ижроси йўлида давлат ва жамоатчилик назоратини ўрнатилиш, кўзда

тутилган. Фикримизча, айрим моддаларга янада аниқлик киритиш ва тақомиллаштириш керак.

Жумладан, қонун лойиҳасида кўзда тутилаётган чекловлар келгусида мамлакатимизда эркин ахборот майдонини ривожлантириш, фуқароларнинг конституциявий ахборот эркинлигига бўлган ҳуқуқлари чекланишига олиб келмаслиги керак. Лойиҳада болалар соғлиғига зарар етказувчи ахборотни таснифлаш ва ахборот маҳсулотининг ёш тоифаларини аниқлаш нормалари белгиланган. Мана шу ўринда болаларнинг руҳан ва жисмонан бир хил эмаслигини инобатга олиш керак. Айталик, имконияти чекланган ўғил-қизлар 30 ёшга кирганда ҳам болаларча фикрлаши мумкин. Фракциямиз, аҳолининг барча қатламлари манфаатларини инобатга олган ҳолда, қонун лойиҳаси тақомиллаштирилишининг тарафдори.

Фракция аъзолари «Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланиш тизимини таъминлаш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини муҳокама қилишди. Унда қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўз вақтида ижрочиларга етказиш, аҳолига уларнинг мазмун-моҳияти сифатли тушунтирилишини таъминлаш, ҳуқуқий ахборотни тарқатишининг

самарали, яхлит тизимини яратиш масалалари акс эттирилган.

Муҳокамалар чоғида депутатлар қонун лойиҳасига бир қатор таклифлар билдирди.

— Қонун лойиҳасида аҳолининг ҳуқуқий ахборотга бўлган эҳтиёжини қондириш, жамиятда ҳуқуқий маданиятни янада юксалтириш, қонунийликни мустаҳкамлаш билан боғлиқ масалалар ўрин олган, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси Шухрат Турсунбоев. — Бу масалаларда фракциямиз ўз позициясига эга. Яъни ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишнинг асосий принципларини белгилашда бундай ахборотдан ҳамма эркин фойдаланиши мумкинлигига ҳам эътибор қаратиш лозим. Шунингдек, ҳуқуқий ахборотнинг ошқоралиги ва очиқлиги, қидириш ва олишнинг эркинлиги каби ҳусу-сиятларга бетарафлик ва холислик принципларини ҳам қўйиш керак.


Фракция йиғилишида яна бир қатор қонун лойиҳалари биринчи ўқишда кўриб чиқилди ҳамда фракция фаолиятига доир бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинди.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотида номзодлар

«МИНОР» МАЖМУАСИ

асрлар оша келажак авлодларга ҳам хизмат қилади



Пойтахтимизда бунёд этилган «Минор» масжиди ўзининг кўрқу таровати билан Тошкент чиройига чирой қўшиб турибди. Унга илк бор кўзи тушган одам бехаттиёр дунёнинг етти мўъжизасидан бири бўлган «Тоғ Маҳал» мажмуасини эслайди...

Ушбу маҳаббатли иншоотнинг фойдаланишга топширилганига уч йил бўлаётганига қарамай, бу масканни зиёрат қиладиганларнинг сон-саногий йўқ. Бино кўш минора ва ҳашаматли мовий гўмбаз тарзида меъморий ечим топган. Қўлай ва шинам ҳовли саҳнига ўймакор нақшли кўш дарвозалар орқали кирилади. Икки томонда шарқона услубда ишланган, бўйи 5-6 метрни ташкил қиладиган ёғоч устунлар... Айвонларга чўғдек гиламлар тўшалган. Ичкарига дахлиз орқали кирилади. Кенг, ёруғ, шинам доирасимон саҳна осудалик ҳукмрон. Қишин-ёзин бу ерда энг замонавий услубларда яратилган микро-иклимдан баҳра олиш мумкин. Ҳавонинг мусоффолиги, овознинг бир хил маромда таралиши ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Ҳашаматли меҳроб безаклари кишини ўзига маҳлиё қилади, пештоқлардаги нафис меъморчилик намуналари хайратга солади...

«Минор» масжид мажмуасидаги безак ишлари таниқли ганчкор уста, Ўзбекистон Бадий академияси қошидаги Бадий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, жамоат фонди бошқаруви раиси Қайюмжон Маҳамовга ишониб топширилгани бежиз эмас. Чунки у нафақат моҳир уста, балки айна пайтада мурабий-устоз ҳам саналади. Касбдошлари, ёш устоздалар ва фохрий усталар билан ҳақиқия яқиндан мулоқотда бўлишга интилади.

— Мажмуанинг бунёд этилишига Биринчи Президентимиз Исрол Каримов бошчилик қилган эди, — дейди Қайюмжон Маҳамов. — У қили қурилиш жараёнини кузатар, аниқ йўналиш ва йўл-йўриқлар берарди. Юртбошимизнинг ўша пайтда айтган ушбу фикрлари ҳамон қулоғим остида жаранглайди. «Бундай биноларга улғу аҳдодларимиз меъморчилик аънавлари асосида безак берилиши керак. Шундагина уларнинг руҳи шод бўлади. Минглаб одамлар келадиган масжид қурилишида ҳеч бир нарсанга назардан четда қолмаслиги даркор. «Минор» мажмуаси узоқ йиллар салобат тўкиб, келажак авлодларга ҳам хизмат қилади. Исрол маданияти ривожига муносиб ҳисса қўшади, деб умид қиламан.

Шунинг учун Оллоҳнинг уйини безашда қанча зар сочсак, шуна кам, олтинни аямаслик керак...

Қайюмжон Маҳамовни нафис ва нафосатли нақшларни танлаш, ўрнига қўйишда бетакор санъат соҳибидесак, муболаға бўлмайди. Аввало, баланд ҳавозада нақш ўймакорлигини маҳорат билан бажариш устадан сабр-бардош, ихлос ва ошўфаликни талаб этади. Унинг энг катта туғи — қадимий меъморчилик аънавларини замонавий усуллар билан уйғунлаштиришда намоев бўлади. «Юртим гавҳари» деб номланган ушбу яхлит санъат асарига ишланган нақшнинг безакли гулларни томоша қилиб тўймайсиз, завқланасиз.

— Безак ишлари жуда заргарона бажарилган, — дейди санъатшунос Зухра Холиқова. — Уста бундан



ташқари Темурийлар тарихи давлат музейи, Олий Мажлис, Оқсарой, Ўзбек Миллий академик драма театри, Ҳазрати Имом мажмуаси, «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройи каби ўнлаб муҳташам биноларни безашда иштирок этиб, катта таҳриба ортирган.

Инсон тафаккурининг бетимсол маҳсули бўлмиш «Юртим гавҳари» миллий ганчкорлик ва нақшошлик санъатининг ўзига хос юксак намунаси ҳисобланади. Миллий маданиятимиз, маънавий салоҳиятимизни қадрлаш, бойитиш ёшларимизни умуминсоний руҳда тарбиялашга хизмат қилади. Юртимизда асрлар оша ўз кўрқу таровати билан дунё ахлини хайратга солиб келадиган мовий гўмбазлару обидларимизнинг бетакор чиройи, уларнинг меъморий ечимини ўзига хослиги билан ажралиб туради.

Мирзо АНВАР

Давоми. Бошланғич 1-бепда.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти
Тошкент шаҳри,
2017 йил 28 июль

Ш.МИРЗИЁЕВ



ТОШКЕНТ—НЬЮ-ЙОРК—ТОШКЕНТ: ИЛК УЗЛУКСИЗ ПАРВОЗ

амалга оширилди

Бу «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси тарихида юз берган энг муҳим воқеалардан биридир.

Ўзбек учувчилари 27 июлда «Boeing 787 Dreamliner» самолётида Тошкентдан Нью-Йоркка тўғридан-тўғри узлуksиз парвозни бажаришган эди. Кеча эса, улар бошқарувидаги «Орзу кемаси» Нью-Йоркдан 243 нафар йўловчи билан трансатлантик узлуksиз парвозни амалга ошириб, Ислон Каримов номидаги «Тошкент» халқаро аэропортига келиб қўнди.

Тошкент—Нью-Йорк—Тошкент йўналишида тўғридан-тўғри парвозларга киришилганлиги мамлакатимиз фуқаро авиацияси ривожига янги

давр бошланганлигидан далolatдир. Нью-Йоркка узлуksиз парвоз вақти салкам 12 соатни, Тошкентга қайтиш эса 11 соатни ташкил этади.

Таъкидлаш жоизки самолётлар паркини узлуksиз янгилаш ва модернизация қилиб бориш — Миллий авиакомпаниянинг асосий мақсадларидандир. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» «Boeing» корпорацияси билан яна 4 та «Boeing-787 Dreamliner» самолётларини сотиб олиш юзасидан шартнома имзолагани ҳам фикримиз тасдиғидир. 2019 йилда «Орзу кема»ларини олиб келиш истиқболдаги режалардан биридир.

Алишер РЎЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



«САНЪАТ — МЎЪЖИЗАВИЙ КУЧ

у халқларни руҳан бирлаштиради»

Ушбу сўзларни Тожикистон халқ артисти Жўрабек Муродовнинг эътирофидан олдик. Комилжон Отаниёзов қабри ёнида тиз чўккан машҳур ҳофиз кўз ёшларини тия олмаганига гувоҳ бўлдик...

Президентимиз ташаббуси билан Ўрта Осиё халқлари қалбидан чуқур жой олган, чинакам халқ артисти Комилжон Отаниёзов таваллудининг 100 йиллиги кенг нишонланди.

Урганч шаҳрининг шундоқ ён бикинида ҳофиз номидаги боғ мажмуаси барпо этилди. Ўтган қисқа фурсатда бу ерда Комилжон Отаниёзов номли ижод уйи қад ростлади, кутубхона ташкил этилди. Чиройли амфитеатр эса концерт дастурлари намойиш этишга мўлжалланди.

Ижод уйи олдида ҳофизнинг қўлида тор ушлаган ҳолатдаги ёдгорлиги — ҳайкал ҳам ўрнатилди. Мазкур ёдгорликни воҳалик таниқли расом, ҳайкалтарош, Ўзбекистонда хизмат қўсатган санъат арбоби, Ўзбекистон Бадий академиясининг аъзоси Отахон Оллабергенов яратган.

Шаҳарнинг Эгам Раҳим номидаги маҳалласида Комилжон ака яшаб ўтган уйда ҳофиз уй-музейи очилди. Музейдан машҳур қўшиқчининг ҳаёти, ижодидан ҳикоя қилувчи юзлаб ноёб экспонатлар ўрин олган.

Жўрабек Муродов бу экспонатлар олдида узоқ туриб, бундан бир аср муқаддам яшаб ўтган устоз санъаткорлар ҳақидаги маълумотларни эринмасдан, синчиклаб ўқийди. Айниқса, қадим «Шашмақом»нинг айтими ва чертими йўлларини аслигича сақлаб қолишда фидойилик қўсатган устоз гуянда Матпано ота Худойбергенов сиймоси уни тўлқинлантиради. Фурсатдан фойдаланиб, ҳофизни айна шу мавзуда суҳбатга тартади.

— «Шашмақом» барчамизнинг умум мулкимиз, умум қадриятимиз. Бизда олти мақом йўллари ёшларга

ўргатилмоқда, — дейди Жўрабек Муродов. — Душанбеда шу номдаги ансамбль ҳам бор. Хоразмлик санъаткорлар бу қадим мўъжизавий наволарни қайта ишлаб, олти ярим мақом даражасига кўтарганлар. Комилжон устознинг бахти шу бўлоқлардан сув ичганлиги, бу бўлоқни янада зилол қилишга умрини бағишлагани.

...Урганч туманининг Чотқўпир қишлоғидаги Иморат бобо қабристонда буюк ҳофиз мангу ором тоган. Ота-боболари хоки ётими муқаддас қабристон ёнида Комилжон Отаниёзов 1966-68 йилларда ўз маблаг ҳисобидан масжид бунёд қилди. Аммо, шўро сиёсатчилари тазйиқи туфайли бу масжид расман «дала шийпон» деб рўйхатдан ўтказилди. Ҳофизнинг ўзи эса юртидан қувгин бўлиб, қўшни Тошхўвус вилоятига ишлаш учун кетди.

Қутлуг сана арафасида айна шу жойда Шайх Шароф бобо мас-

... Комилжон Отаниёзов қабрининг бошига экилган икки тулғум (қайрағоч) бир-бирига тутшиб, яктан бўлиб кетган. Эътиборли томони, бу гужумни ҳофизнинг тожикистонлик шоғирдларидан бири Жўрабек Муродов ўтказган. Бу ҳақда гужум тағида ихчамгина лавҳа ҳам ўрнатилган.

Ўтган асрнинг саксонинчи йилларида воҳага устоз қабрини зиёрат қилиш учун ташриф буюрган Жўрабек Муродов бу масканнинг қаровсизлигидан озорланади. Негаки, ҳали ҳамон марҳум Комилжон Отаниёзовнинг «Ўзошимчиликлари» сиёсатдонлар хотирасидан ўчмаганди. Лекин Жўрабек Муродов таъбири билан айтганда, санъат аҳли санъат деганда Комилжонни, Комилжон деганда санъатни тушунадилар!

Уша пайтда ҳофиз устози қабри, у киши ётмиш қабристон қаровсизлигини маҳаллий раҳбарларга эслатишга журъат қилади. Ва

қўшиқ ҳам мусиқа каби ҳеч бир таржимага муҳтож эмаслиги ҳақида сўз юритди. Олқишларга сазовор бўлди.

Бундай сўзларни, эътирофларни Комилжон Отаниёзовнинг Туркманистондан, Қозоғистондан ва Қорақалпоғистондан ташриф буюрган шоғирдлари, мухлислари тақрор-тақрор айтдилар.

Темур Ҳасанов, Қозоғистонда хизмат қўсатган маданият арбоби:

— Комилжон Отаниёзов биз бахши-жировларга ҳам устоздир. Мусиқадаги уйғунлик, қўшиқлари-миздаги оҳанглар муштараклиги бизларнинг илдишимиз билан биргача далolat бериб туради. Мен ниҳоятда ҳажондаман. Давлатингизнинг буюк ҳофиз хотирасига ҳурмат-эътибори эса ҳавас қилгулик.

...Юбилей дастури давомида халқаро илмий-амалий конференция ҳам бўлиб ўтди. Унда мумтоз санъатимизни кенг тарғиб қилиш, айниқса ёшларга ўргатиш масалаларига алоҳида урғу берилди.

Вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан ҳофиз таваллуди санасига бағишлаб илмий, биографик, тарихий ва мемуар жанрида ўндан ортиқ китоб чоп қилинди. Ушбу китоблар тақдимида сўз олганлар юрти-мизда китобга бўлган эътибор, ҳофиз ҳаёти, ижодидан ҳикоя қилувчи бу китоблар ёш авлод учун ўзига хос ҳаёт мактаби вазифасини ўташини таъкидлашди.

Зарифбой Иброҳимов, мураббий-педагог:

— Комилжон устоз ихро қилган мумтоз қўшиқлар матни, нотаси жамланган китоб мусиқа мактабимизда сабоқ олаётган ёшлар учун ноёб қўлланмага айланди. Ҳеч сўзсиз, яратилаётган бундай шароит ва имкониятлар диёримиздан яна қўлаб машҳур санъаткорлар етишиб чиқишига хизмат қилади.

Рўзимбой ҲАСАН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



жиди жуда қисқа муддатларда қад ростлади. Жуда чиройли, мўъжаз бу масжид меҳмонларни ҳайратга солди. Улар юртимизда улуг авлиёлар, қутлуг қадимжолар истиқлол йилларида обод масканларга айлантирилаётгани, диний қадриятларга эътиборнинг бардавомлигини эътироф этишди.

ўзи бориб, устоз қабри бошига икки тулғум кўчати ўтказди...

...Комилжон Отаниёзовнинг 100 йиллигига бағишланган хотира кечасида Жўрабек Муродовга ҳам сўз берилганида, у Рудакийдан иқтибос келтириб, халқларимизнинг абадий дўстлиги, санъатларимиз муштараклигидан,

Тақдирот

Тошкентдаги «Китоб олами» савдо мажмуасида Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги тизимидаги «Ўқитувчи» нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан китобхонлик савиясини ошириш, мутолаа маданиятини кучайтириш, ёш авлодининг китобга бўлган қизиқишини юксалтириш, айниқса ёшлар ўртасида китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини шаклланди.

СОҲИБҚИРОН ҲАЁТИНИНГ ЯНГИ ҚИРРАЛАРИ

тиришга бағишланган илмий-маърифий тадбир ўтказилди.

Унда сўнгги йилларда нашриёт-матбаа ижодий уйда чоп этилган, Соҳибқирон Амир Темурнинг шарафли ҳаёт йўли жонлантирилган, ёзувчилар Муҳаммад Али, Тўлқин Ҳайит қаламига мансуб «Амир Темур қалбидан чакнаган нур», таниқли олим Жумабой Раҳимовнинг

«Адолат ва қудрат тимсоли» китоб-альбому ҳамда Тўлқин Ҳайитнинг «Буюк салохият соҳиб» китобларининг тақдироти бўлиб ўтди.

«Амир Темур қалбидан чакнаган нур» асариде те-мурийлар даврида илм-фан ва маданиятнинг ривожланиши, истиқлол йилларида Соҳибқирон сиймосига қўрсатилган эҳтиром каби мавзулар ўрин олган.

Жумабой Раҳимовнинг «Адолат ва қудрат тимсоли» китоб-альбому Амир Темурнинг ҳаёт йўли, олиб борган жангу жадалларига бағишланган.

Муаллифнинг кўп йиллар давомиде олиб борган изланишлари натижасида буюк аждодларимиз тўғрисидаги ўша давр ёзма манбалари, тарихий солномалар, замонавий тадқиқотлар, бадий-

публицистик нашрлар асосида яратилган бу асар Соҳибқирон ҳаётининг янги қирраларини очиб беришга хизмат қилади.

Унда Амир Темур даврида салтанатда адolat ўрнатиш, ал-юрт фаровонлигини таъминлаш бобида қўлланган ислохотлар, илм-фан, меъморчилик, адабиёт, санъат, тарих ва бошқа яна ўнлаб соҳаларда амалга оширилган ислохотлар тўғрисида фикр юритилади.

Нуруллоҳ ДОСТОН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Спорт

Кеча Руминияда байдарка ва каноэда эшак эшиш бўйича ўсмирлар ва ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионати бошланди. Унда мамлакатимиз вакиллари ҳам тўлиқ таркибда иштирок этмоқда.

БАЙДАРКА ВА КАНОЭЧИЛАРИМИЗ ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИДА

Мусобақа 18 ва 23 ёшли эшак эшувчилар ўртасида бўлиб ўтмоқда. Герман Арнолд, Антон Каламейков, Инкор Исломов, Темур Ҳайдаров каби 8 нафар спортчимиз 18 ёшлилар ўртасидаги баҳсларда юртимиз шарафини ҳимоя қилмоқда. 23 ёшгача бўлганлар ўртасида Шохрух Алъамов, Жаҳоҳир Нурмагом, Нилуфар Зокирова ва Юлия Цой каби 7 нафар спортчимиз ўз маҳоратини намойиш этади.

Ўз мухбиримиз.

Реклама

ЗАВОД «КРАНЫ И СПЕЦТЕХНИКА»

ПРОИЗВОДИТ И РЕАЛИЗУЕТ ПОД ЗАКАЗ:



- Автокраны — 16, 25, 32, 50 т.
- Краноманипуляторы — 3, 5, 10 т.
- Ямобуры.
- Автовышки — 11, 18, 22, 28, 31м.
- Самосвалы — 3т, 4,5т, 9т.

ГАРАНТИЯ 1 ГОД

Адрес: Республика Узбекистан, г. Ташкент.

Тел./факс: (+99871) 262-97-78, (+99871) 262-23-61.

Моб.: (+99890) 188-15-33, (+99890) 187-52-05.

E-mail: cst2008@mail.ru

Web-site: www.avtokran.uz, www.krantas.uz

Товары сертифицированы.

ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ ФИНАЛ БОСҚИЧИ

Малайзия ва Индонезияда бўлиб ўтади

Футбол бўйича 2018 йилнинг 20 сентябрдан 7 октябрга қадар ўтказилган ўсмирлар (U-16) ўртасидаги Осиё чемпионатида Малайзия мезбонлик қиладиган бўлди. Ёшлар (U-19) ўртасидаги чемпионат ўйинлари 2018 йилнинг 18 октябрь — 4 ноябрь кунлари Индонезияда бўлиб ўтади.

Маълумот учун, U-16 Осиё чемпионатида саралаш босқичи учрашувлари шу йилнинг 16-24 сентябрь кунлари ўтказилди. Дилшод Нуралиев бош мураббийлигидаги Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси Осиё чемпионати финал йўлланмаси учун саралаш босқичининг «А» гуруҳида гуруҳ мезбони Саудия Арабистони, Бахрейн, Иордания ҳамда Шри-Ланкага қарши баҳс олиб боради.

Александр Мочинев бошчилигидаги Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси U-19 Осиё чемпионати саралаш босқичининг «В» гуруҳидан ўрин олган. Вакилларимиз Осиё чемпионатининг финал босқичига йўлланмани қўлга киритиш учун гуруҳ мезбони Тожикистон, Бангладеш, Мальдив ороллари ва Шри-Ланка футболчиларига қарши баҳсларга киришади. Мазкур саралаш ўйинлари шу йилнинг 31 октябрь — 8 ноябрь кунлари бўлиб ўтади.

Шаҳбоз САИДОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

MUASSIS:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Hotamjon KETMONOV

Muslihiddin MUHIDDINOV

Farrux HAMROYEV

(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Ulug'bek VAFOYEV

Ochilboy RAMATOV

Tat'yana KISTANOVA

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Saidkamol XODJAYEV

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Sharq nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.

Korxonaning manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bohma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 738
9319
naxxada
bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'ZA yakuni — 21:45
Topshirilgan vaqti — 00:30

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:

Alisher RO'ZIYEV

Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633

1 2 3 4 6